

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ТАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Самохиддин Мавланов

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
“MBA Banking” факултети талабаси

Мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ривожланишининг ҳозирги босқичи нафақат технологик янгиланиш, балки самарали трансформация ва жаҳон иқтисодиётининг глобал муаммоларига мослашиш зарурати билан ҳам тавсифланади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёти олдида турган муаммоларнинг аксарияти банк секторини ривожлантиришнинг стратегик вазифалари ҳисобланади. Геосиёсий ва иқтисодий ўзгарувчанлик шароитида самарали фаолият юритиш ва республикада молиявий барқарорликни таъминлаш ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг асосий функционал мақсадларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар ва лойиҳаларнинг самарадорлиги Ўзбекистон банкларининг ташки ўзгаришларга қанчалик тайёр эканлигига боғлиқ десак муболага бўлмайди.


Президентимизнинг 2020 йил январь ойида Олий мажлисга қилган мурожаатларида “Республикадаги тижорат банклари замонавий технологияларни ривожлантириш, дастурний таъминотларни жорий этиш ва янги банк маҳсулотларини яратиш бўйича бугунги талаблардан 10-15 йилга орқада қолаётганлигини ва 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банк кенг қўламли трансформация дастурларини ишлаб чиқиши ҳамда асосий эътибор банкларнинг капиталини, ресурс базасини ва рентабеллигини оширишга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди”.

Қайд этиш лозим, республикадаги давлат улуши мавжуд тижорат банклари бозор шароитига мослашишга ҳаракат қилаётган бўлсада, тан олиб айтишимиз керакки бугунги кунда хусусий тижорат банклари хизмат қўрсатиш сифати бўйича ҳам, хизмат турлари бўйича ҳам даромадлилик даражаси бўйича ҳам давлат банкларига нисбатан яхшироқ натижаларни қўрсатиб келмоқда. Мисол учун тижорат банкларининг соф фойда қўрсаткичларининг 2023 йил якуни бўйича таҳлил қиласиган бўлсақ, 1-ўринда Ўзмиллийбанк эгаллаган бўлса, қолган ўринларни активлар қўрсаткичлари бўйича давлат улушидаги банклардан анча паст қўрсаткичга эга бўлишига қарамасдан хусусий банклар, Капитал банк ва Ҳамкорбанклар эгаллаган. Ўзмиллийбанкнинг 2023 йил якуни бўйича соф фойдаси 1,7 трлн. сўмни ташкил қилган бўлса, Капитал банкда 1,63 трлн. сўмни ва Ҳамкорбанкда 1,2 трлн. сўмни ташкил қилмоқда. Эҳтиборлиси шундаки, ушбу қўрсаткичларни 2022 йил якунига таққосласак, Ўзмиллийбанк соф фойда қўрсаткичи 28%га тушиб кетган бўлса, Капитал банк ва Ҳамкорбанкларда ушбу қўрсаткич мутаносиб равиша 51% ва 63%га ошган.

Рентабеллик қўрсаткичлари бўйича ҳам хусусий банклар Давлат банкларига нисбатан анчагина шиддатлироқ қўринмоқда. Мисол учун Капитал банкнинг 2023 йил якуни бўйича соф фойдаси капиталига нисбати 38%ни ташкил қилган бўлса, Давлат банклари ичida энг яхши қўрсаткич бу Ўзсаноатқурилишбанкига тўғри келмоқда, яъни капитал рентабеллиги 10%ни ташкил қилган.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан 2020 йил 13 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони билан давлат улушидаги тижорат банкларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш бўйича тегишли қўрсатмалар берилган.

Чунки айнан давлат улусидаги тижорат банкларининг капитали, активлари Республикада етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаги давлат улусидаги тижорат банкларнинг активлари 2023 йил якуни бўйича 450,0 трлн. сўмга яқинлашган бўлса, кредитлар салмоғи 300 трлн. сўмдан ошиб кетган. Бошқа банкларнинг активлари эса 2 баробар кам бўлиб, 200 трлн. сўм атрофида шаклланганлигини кўриш мумкин (1-расм).



Ушбу холатлардан келиб чиқадиган бўлсак давлат улусидаги тижорат банкларини трасформация қилиш нафақат бугунги кундаги долзарб масала ҳисобланади, балки келажакда банкларнинг рақобатбардошлигини таъминловчи асосий пойdevор ҳисобланади.

Банк фаолиятини трансформация қилиш жараёнлари кўплаб омиллар, хусусан технологик, ташкилий, бозор, ижтимоий, сиёсий омиллар таъсири остида содир бўлади. Уларнинг аҳамияти ривожланишнинг турли тарихий босқичларида ўзгаради. Замонавий шароитда энг кучли таъсир, бу - янги технологияларнинг пайдо бўлиши ва такомиллаштирилиши, айниқса улар ижтимоий-иқтисодий ўзаро таъсирнинг янги шакллари билан бирга келганда кўринади.

Мутахассисларнинг фикрлари ўрганилганда ҳам уларнинг аксарияти трасформациянинг долзарблиги ва унинг келажакда қанчалик муҳим аҳамияти касб этишини таъкидлаб ўтишган. Албатта мутахассислар бугунги кунда трансформация жараённада рақамли технологиялардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Чунки айнан рақамлаштириш орқали хизмат сифатини яхшилаш ва ўзининг имиджига эга бўлиш имкониятларини яратиб беради.

Хозирги рақамли технологиялар ривожланган замонда тижорат банклари нафақат банк оғислари ёки филиаллари орқали хизмат кўрсатиб келмоқда, балки фронт оғиссиз форматга эга бўлиб, мобиъл иловалар ва вэб сайтлардан кенг фойдаланиб дистанцион хизматларни кўрсатиб келмоқда. Ушбу онлайн хизмат турларининг ривожланиши ҳар томонлама қулайликларни келтириб, банк учун ҳам, мижоз учун ҳам ва инвестор учун ҳам янги имкониятларни очиб бермоқда.

Қайд этиш керак, трансформация жараённада ҳар бир янгиликнинг афзалликлари билан бирга ўзига яраша хатарлари ҳам бўлиши табиий ҳол. Бир нарсани тушунишимиз керакки ҳар қандай ўзгаришлар ҳам банк фаолиятига ижобий таъсир

кўрсатмаслиги мумкин. Банк фаолиятини трансформация қилиш қарорини чиқаришдан олдин барча хатарларни ва афзалликларни чуқур ўрганиш талаб этилади. Трансформация жараёни анъанавий банкларнинг хатарларини ҳам ошириши ҳам камайтириши мумкин. Банк секторини трансформация қилиш билан боғлиқ хатарларга қўйидагилар киради: кредит, операцион, фоизлар ва бошқа хатарлар. Бироқ хатарлар ҳар доим ҳам банк фаолиятига салбий таъсири кўрсатмайди, кўп ҳолларда айниқса бугунги рақамлаштириш даврида хатарларни енгиш учун янги имкониятлар пайдо бўлади. Яъни, хатарлар ҳар доим мавжуд бўлган, трансформация қилишдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам мавжуд бўлади. Тижорат банкларининг асосий вазифаси шундан иборатки, таваккалчиликни имкониятларга айлантиришлари учун ҳаракат қилишлари керак бўлади ва буни амалга ошириш учун трансформация жараёнларини амалга ошириш ҳамда илғор технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб шуни хулоса қилишимиз мумкинки Банк соҳасини ривожлантириш ва ҳар қандай шароитда ҳам (ташқи ва ички омиллардан қатъий назар) уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун, айниқса давлат улушкидаги банкларнинг потенциалидан тўлақонли фойдаланиш учун Президентимизнинг 2020 йил 13 майдаги ПФ-5992-сонли фармонларида кўрсатилган давлат улушкидаги банкларни қисқа муддат ичida хусусийлаштириш ва трансформация жараёнларини тўлиқ якунига етказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.